

ВАТАН ВА МИЛЛАТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу кунларда халқимиз томонидан табаррук 90 йиллик тавалуд тўйи нишонланаётган Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бу эгу ишни амалга оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган олий таълим марказларидан биридир.

Ўзбекистон Миллий университети (ЎЗМУ) — мамлакатимизда ва бутун Ўрта Осиё милоқасида энг нуфузли ва етакчи олий ўқув юртиларидан саналади. Университетимизнинг ёшларининг интелектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, юртимиз илм-фани ва маданияти, замонавий таълим тизимини ривожлантириш, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш, йилит-қизларимизни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги хизматлари беқубеъдир. Шу боисдан

тарбияланиб вояга етди. Уларнинг орасида буюк қозоқ адиби Мухтор Аевзоддай номи ва асарлари дунёга машҳур маданият намояндалари ҳам бор. Университет бағридан Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиқов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожидинов каби долгонд ўзбек олимлари етишиб чиқди. Яна бир машҳур зиёли, Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим ва публицист Озод Шарофидинов ЎЗМУда тарбия топди ва узоқ йиллар университетнинг филология факультетида меҳнат қилди. Ҳозирги ўзбек адабиётининг фахри бўлган аjoyиб халқ шоирлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ҳам шу таълим даргоҳида вояга етганидандан ҳаммамиз гурурланамиз.

ЎЗМУ Ватанимиздаги кўпгина олий ўқув юртилари учун онашоши даргоҳ ҳам ҳисобланади. Худди шу университет факультетлари манбаида Ташкент Тиббиёт академияси, Тошкент давлат иқтисодий университети, Тошкент давлат техника университети, Шарҳунослик институти, Юридик институти каби мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртилари шаклланди.

Президентимизнинг ЎЗМУнинг 90 йиллик тўйини нишонлаш тўғрисидаги Фармони, энг аввало, улуг аждодларимизнинг миллат камолоти йўлидаги ана шундай фидойилиги билан боғлиқ тарихий ҳақиқатларни тиклашга, университетнинг азалий юксак маънавий ҳазини авлодлар хотирасида муҳрлашга хизмат қилади. Иккинчидан, Фармонда бугунги кунда университет олдидан турган янада шарафли ва масъулиятли вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бугун эса мамлакатимиз таълим тизими Ватанимизнинг қудратли келажакни таъминлаш оладини, ҳар хил ҳаётдан баркамол янги авлодни вояга етказишдек гоятда масъулиятли бурчини бахаришга даъват этилган. Бу вазифа

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида акс этиб турибди.

Пировадда, бундай улуг вазифани бажариш учун таълим соҳаси ҳар жиҳатдан ҳозирги даврнинг энг юксак талаблари даражасида фаолият кўрсатиши керак. Ўзбекистон Миллий университети республикада таълим ва тарбия мана шундай илгор даражага кўтарилишига қаратилган ислохотларнинг фаол етакчиларидан бири бўлиб келмоқда. Масалан, икки босқичли олий таълим, яъни олий таълимнинг бакалаврлик ва магистратура босқичлари тарзида ташкил этилиши мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бизнинг университетда таъриба қилиб кўрилган эди. ЎЗМУ таърибалари бошқа олий ўқув юртилари учун ўзига хос андоза бўлди.

Университетда бугун ўн учта факультет, иккита институт (Олий педагогика институти ва Амалий физика илмий текшириш институти) фаолият олиб бормоқда. Бу даргоҳ қошида Саъди Сирожидинов номидаги академик лицей, Олий бизнес мактаби ҳам мавжуд. Дорифундуна 11 миңдан ортиқ талабга 21 та академик, 225 нафар фан доктори ва профессор, 575 нафардан зиёд фан номзоди ҳамда доцентлардан иборат забардаст педагоглар жамоаси таълим бермоқда.

Ҳозирги кунда университетимизнинг иқтисодий талабалари орасида 3 нафари Президент стипендиеси, 3 нафари Мирзо Улугбек ва Навоий стипендиалари соҳибларидир. Булардан ташқари, университет тарихида ёрқин из қолдирган академик олимлар — Саъди Сирожидинов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Содиқ Азимов, Убай Орипов, Ҳамидулла Абдуллаев, Иброҳим Мўминов номлари билан аталувчи стипендиалар ташкил этилган бўлиб, бу стипендиялар ҳам талабаларни янада пухта билим олишга рағбатлантирмоқда.

Университет талабалари орасида 36 нафар Зулфия номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлган талаба-қизлар борлигини ҳам алоҳида фахрланиб тилга олгимиз келади.

ЎЗМУдаги таълим энг илгор халқаро андозаларда ташкил этилган. Бугун бу ердаги ҳар бир факультет кенг ва ёруғ ўқув хоналарига, компьютер залларига, махсус кутубхоналарга эга. Университетда 16 та илмий лаборатория мавжуд бўлиб, улар ҳар доим талабалар билан гавжум. Дорилфунун олимлари Россия, Франция, Германия, Хитой, Бельгия, Чехиянинг нуфузли илмий муассасалари билан ҳамкорликда илм-фаннинг долзарб мавзуларидан тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Илмий тадқиқот ишларига университетнинг ёш олимлари ҳам тобора кўплаб жалб этилмоқда.

Шу ўринда яна битта муҳим далилни эслашга тўри келади. Ҳозирда ЎЗМУнинг 7 та факультетида дунёнинг 10 та мамлакатидан 20 нафарга яқин хориқлик талабалар ҳам тахсил олмақда. Мана шунинг ўзи университетимизнинг дунё миқёсидаги нуфузи ортиб бораётганлигини яққол исбот этиб турибди.

ЎЗМУ ўзининг юксак илмий ва педагогик анъаналарига эга. Жамоамиз бу анъаналарни ўзлари учун муҳаддас деб билладлар. Айниқса, Ватанимизда таълим-тарбияга юксак даражада эътибор қаратилаётган ҳозирги шароитда ЎЗМУ профессор-ўқувчилари жамоаси ўз таълим даргоҳларининг замонга, унинг илгор талабларига фаол ҳамнафаслигини таъминлаш йўлида тинимсиз меҳнат қилмоқдалар. Бизнинг мақсадимиз битта: у ҳам бўлса, Миллий университет бағрида етишиб чиқаётган мутахассис кадрлар мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий, иқтисомий ва маънавий йўналишлардаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва сифат жиҳатидан тақомиллаштириб бориш учун курашда энг олдинги сафларда бўлишларини юрак-юракдан истаёмиз. Бутун куч-қайратимиз, илмий-педагогик фаолиятимиз ана шу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу мақсад бундан кейин ҳам университет жамоасига куч-қувват ва ўшқинлик бағишлайверради.

Гофуржон МУҲАМЕДОВ,
Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университети ректори.

Фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкни асрашда суғурта хизматининг ўз ўрни бор. Шу боисдан мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бу соҳадаги хизматлар сифатини яхшилашга, тақомиллаштиришга давлат даражасида эътибор бериб келинаётир. Мисол учун, 1993 йил 6 майда “Суғурта тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган эди. 2002 йил 5 апрелдан эса “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун амалга жорий этилди. Мазкур ҳужжат мамлакатимиз суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

ЭНГ ЯҚИН КЎМАКЧИ

Қолаверса, ушбу Қонун ҳозир юртимизда иш олиб бораётган 30 га яқин суғурта компаниялари учун дастурий-амал бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур тузилмалар орасида “Узросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компанияси алоҳида мавқега эга. У юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида қишлоқ ҳўжалиги соҳасини қамраб олган. Зотан, мамлакатимиз иқтисодиётида бу соҳа муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, аҳолининг катта қисми айнан қишлоқ худудларида яшайди.

— Қишлоқ ҳўжалиги махсуслотлари ишлаб чиқарувчиларини ва қишлоқ аҳолисини суғуртавий ҳимоялаш компаниясини устувор вазифасидир, — дейди “Узросуғурта” ДАСК Қибрай тумани бўлими бошлиғи Жалолиддин Тулаганов. — Утган йиллар давомида бу борада амалга оширилган ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, хизмат сифати йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Жумладан, 2007 йилдаги юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматлари кўрсатиш бўйича режа 128,8 фоизга бажарилди, қўшимча 16,7 миллион сўмдан зиёд суғурта бадаллари ундирилди. Бултур тумандаги 12 та фермер ҳўжалигининг бўлғуси галла ҳосили ихтиёр рившида суғурталаниб, уларнинг 3 тасига табиий офатдан зарар кўриши туфайли 4 миллион сўмдан кўпроқ суғурта бадаллари тўланди. Бундан ташқари, 18 нафар фермернинг боғ ва узумзорлари суғурталанган эди. Уларнинг 12 нафарига ҳосилни совуқ ургани сабабли жами 6 миллион сўмдан ортиқроқ суғурта бадали берилган.

— “Узросуғурта” ДАСК Қибрай тумани бўлими билан доимий ҳамкоримиз, — дейди “Шохру” фермер ҳўжалиги раҳбари Анвар Муродов. — 2007 йил апрелда гаровга қўйилган икки қаватли дўкон биноси табиий офат туфайли қаттиқ зарар кўрилган эди. Туман суғурта бўлиmindан бунинг учун 345 миңг сўм бадал олдиқ. Уша йили галламиз ҳам табиий офатга учради. Туман суғурта бўлими билан тузилган шартномага кўра, 2 миллион 250 миңг сўм бадал пули ажратилди. Жорий йил бошларида эса иккита қорамол но-

буд бўлганди. Буни қарангки, кўрилган зарар учун яна 247 миңг сўмлик суғурта бадали олишга муваффақ бўлдиқ. Қисқаси, бўлим кўрган зарарларимизни қоплашда энг яқин кўмакчи бўлиб келаётир.

— “Узросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компаниясида 40 дан ортиқ суғурта турлари бўйича хизмат амалга оширилади, — дейди Жалолиддин Тулаганов. — Суғурта шартномаси тузилгандан бадал пули берилгунча бўлган жараёнда ҳудуд муҳим босқичлар бор. Аввало, суғурталанган экинлар, мол-мулклар, чорва моллари, боғ-узумзорлар вақти-вақти билан мониторинг қилиб борилади. Суғурталанган экин ёки мулкка зарар етганда эса дарҳол суғурта

Қонун ва ижро

та ташкилотига ёзма баҳарнома бериш лозим. Бордиқ кўрилган зарар катта бўлиб, “Узросуғурта” компаниясининг маблағи етмаса, бундай ҳолларда давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратилади. Бу эса суғурта шартномасининг кафолати бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Энг муҳим суғурта турлари сирасига қишлоқ ҳўжалиқ қорхоналари ва фермерларга қарашли бино-иншоотлар, транспорт воситалари, чорва моллари ва техникасини, боғ ва узумзорларни, пилла ҳосилни, табиий личанзорлар ва тут баргини, личинга олинаётган техникани, қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари ва фермерларнинг гаровга қўйилган мол-мулкни, фермер ҳўжалиқларида ишловчи фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, шунингдек, фуқароларнинг шахсий иморатларини, уй-рўзгор буюмларини, транспорт воситаларини ҳамда болалар ва мактаб ўқувчиларини суғурталаш кирди.

Суҳбатдошимизнинг қайд этишича, ушбу соҳада бажарилган лозим бўлган ишлар ҳам талайгина. Аввало, аҳоли орасига янада кенгроқ кириб бориш талаб этилади. Бунинг учун Қибрай туманидаги ҳар бир маҳалла қошида вакиллик ташкил этиш устида иш олиб борилаётти. Маҳаллалардаги ушбу вакиллар аҳоли билан ишлашни осонлаштиради, халқимизнинг суғуртавий ҳимоялангани янада кучайтиради.

Ҳаётда ҳар нарсa бўлади. Кимдир бахтсиз ҳодисага учраса, кимингдир мол-мулкига зиён етиши ёки табиий офат ўз кўчини кўрсатиши мумкин. Ана шундай дамба суғурта хизмати киши жонига оро кирди. Улар билан ҳамкорлик қилаётганлар асло юлқазватгани йўқ, аксинча, кўрилган зарарни ўз вақтида қоплашмоқда. Бунинг учун эса суғурта компаниялари ёки уларнинг жойлардаги бўлиmlари билан ҳамкорликни йўлга қўйишнинг ўзи кифоя қилади. Соғлиғини, мол-мулкни ҳавфсизлигини ўйлаган киши, албатта, шу йўлни танақлади.

Зокир ХУДОЙШУКUROB,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАҲСУЛОТИ ХАРИДОРГИР КОРХОНА

Юртимизда хорижий шериклар билан ҳамкорликда барпо этилган кўплаб қўшма корхоналар фаол иш юритмоқда. “Тезинтом” — шулардан бири. У Ўзбекистон ва Германия ишбилармонлари ҳамкорлигининг мевасидир.



СУРАТДА: қўшма корхона ишчиси Эркин Асқолов.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ўса) олган сурат.

Уз фаолиятини 1997 йилда бошлаган “Тезинтом” қўшма корхонаси илгор технологиялар асосида турли ўлчам ва рангдаги металл черепицалар, том ёпиш жиҳозлари, алюминий ва пластикдан тайёрланган эшик-деризалар, шунингдек, панжаралар, дарвозалар, ёриткич мосламалари, гипскартонлар, девор безаклари ва буюқлар каби қирилш материаллари ишлаб чиқаришга ҳамда хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Корхонада тайёрланаётган юқори сифатли пластик деризалар хонани шовқиндан ҳимоялайди, совуқ кунларда иссиқ, жазирамада эса, аксинча, салқин сақлашга хизмат қилади. Бундай деризаларнинг яна бир устун жиҳати — уларни бўяшнинг ҳожати йўқ, ранги ҳам ўчмайди.

“Тезинтом”да ишлаб чиқариш қамрови йил сайин кенгайиб, маҳсулотлар турлари кўпайиб бораётти. Сўнгги пайтларда корхонада совун, шампунь, тозалаш воситалари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати, халқаро талабларга мослиги ва рақобатдорлиги билан харидорларга ман-

зур бўлмоқда. Маҳсулотлар буюртмачининг талаб ва ҳоҳишига кўра, исталган ранг ва ҳажмда тайёрланади.

Ҳозирги кунда корхона ташқи бозорда ҳам фаол иш юритмоқда. Қўшма корхона маҳсулотлари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби мамлакатларга экспорт қилинаётти.

Маҳсулотларига талаб катта бўлгани туфайли корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда. “Тезинтом”нинг 2007 йилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 миллиард сўмни ташкил этди. Жорий йилнинг январь-август ойларида эса бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21,78 фоиз ошди.

Корхонада юзга яқин ишчи меҳнат қилади. Улар бу ерда яратилган меҳнат ва дам олиш шароитидан мамнун.

— Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда фаол иш юритиш учун яратилган қулай шароит қорхонами фаолиятининг изчил ривожланишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди “Тезинтом” қўшма корхонаси бош директори Элёр Фуломов.

— Мақсадимиз — сифати халқаро андозаларга мос маҳсулотларимиз билан ички ва ташқи бозордаги ўрнимизни янада кенгайтиришдан иборат.

Ҳа, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик, чет эл сармоясини кенг жалб этиш, юқори технологияларни ўзлаштириш мамлакатимиз иқтисодиётининг янада тараққий этишига хизмат қилмоқда.

Мадина УМАРОВА,
Ўза мухбири.

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР ҲИМОЯСИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Кеча Президентимизнинг жорий йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони асосан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ҳамкорлигида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг инсон ҳуқуқларини қилиш ва ушбу масалада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўлимининг имкониятини кучайтириш” лойиҳаси доирасида давра суҳбати ўтказилди.

Мазкур давра суҳбатининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳамкорлик қилиш битими имзоланди. Бу битимга кўра, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакиллари ички ишлар идоралари вакиллари билан биргаликда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига амал қилиниши борасида мониторинг олиб боради, фуқароларнинг шикоятлари бўйича биргаликда текширув ўтказиши, маҳкумларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга оширади.

Давра суҳбати суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришларни тушунириш, тар-

ғиб этишга йўналтирилган бўлиб, ички ишлар идораларининг судлар, давлат идоралари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бошқа институтилар билан ҳамкорлик фаолиятидаги муаммоларни муҳокама этиш ва ҳамкорлик механизми самарадорлигини янада ошириш, худудий ички ишлар идораларининг шу йўналишдаги фаолиятини тақомиллаштириш, шунингдек, ички ишлар идоралари ходимларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги тажрибасини оширишга қаратилган билан аҳамиятли бўлди.

Эндиликда мажбурий доира-сида жойларда бир қатор давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилиши ташкиллади.

Ш. ХОЛТЎРАЕВ.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2008 йил 1 май кунини имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонда белгиланган вазифалар ихтисосни таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси аъзолари, сенаторлар, Комиссия аъзолари, депутатлари, ҳокимликлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси раиси, Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари А. Шодмонов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мақлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоирлари О. Орипов, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори М. Усмонов, Ўзбекистон мустақил ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори Ж. Ҳақимов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар жараёнини юрғини пировад мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга йўналтирилганини таъкидладилар. Бу жиҳатлар аҳоли, айнақса, ёшларнинг иқтисомий-сиёсий фаолигини кучайтириш, кўп партиявийликни ривожлантириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш, нодавлат ташкилотларнинг мавқенин оширишда янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Фармон ва ижро

Қабул қилинган қонунлар, давлат дастурлари, бошқа ҳужжатларда моҳиятан инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи устувор ўрин тутуди. Айни пайтда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18 қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини тогган.

Конференцияда таъкидланганидек, мамлакатимизда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг изчил механизмлари яратилиб, амалда самарали таътиқ этилмоқда. Кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтилари фаолияти ривожланиб бормоқда. Уларни эркин ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шартларини, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини яратиш, демократик ўзга-

ришлар ва жамиятни эркинлаштиришдаги фаол иштирокини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу, ўз навбатида, аҳолининг сиёсий, иқтисомий фаолигини ошириш, жамиятимизда демократик қадриятларнинг чуқур ва мустаҳкам қарор топишига хизмат қилмоқда. Юртимизда жадаллик билан кечаётган ушбу жараёнларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш оммавий ахборот воситалари ходимларидан фаолигини, алоҳида масъулият ва пухта ҳуқуқий билим соҳиб бўлиши талаб этди.

Ушбу тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказилган семинарларнинг ўзига хос қисми бўлди. Унда инсон манфаатларини таъминлаш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналиши, мустақил ва бақдор нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтилари — қучли фуқаролик жамиятининг муҳим бўлини, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган маърузалар тингланган ва муҳокама қилинди.

Назозат УСМОНОВА,
Ўза мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

концепция ҳаётга таътиқ қилинаётгани амалда ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи яқил суд ҳокимияти тизими шакллантирилди. Конституциявий суд,

Янги марказ иш бошлади

Олий суд, умумий юрисдикция судлари, ҳўжалиқ судлари жорий этилди. Жиноят, жиноят-процессуал, суд-ҳуқуқ ва бошқа йўналишларнинг қонунчилик асоси яратилди.

Президентимизнинг номи қайд этилган қарори асосида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича Таъдиқот маркази ташкил этилган суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, судларнинг нуфузини янада ошириш, одил судловда қонунчиликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қарорда белгиланган вазифаларнинг изчил бажарилиши, ҳусусан, суд-ҳуқуқ тизими ислохотларини янада чуқурлаштириш фуқаролар манфаатига хизмат қилади.

Таъдиқот маркази зиммасидаги вазифани адо этиш борасида зарур модий-техник база ва малакали ходимлар билан таъминланди. Марказ ходимлари тегишли қонунчилик базасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқни қўллаш, суд амалиётини умумлаштириш юзасидан иш олиб бормоқда.

Шунингдек, зиммаларидаги бошқа фаолият йўналишлари, ҳусусан, соҳани тақомиллаштиришга оид тақдирлар тайёрлаш, суд фаолияти соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини чуқур ўрганиш ҳамда миллий қонунчиликка таътиқ этиш, одил судловни амалга ошириш соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалиқ суди судьялари, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Тошкент давлат юридик институти вакиллари иштирок этган тадбирда Таъдиқот марказининг тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга доир вазифалар белгилаб олинди.

Норгул АБУРАИМОВА,
Ўза мухбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Тибетда ер силкинди

Тибетда кучли zilzila қайд этилди. «Синьхуа» ахборот агентлигининг маълум қилишича, zilzila кучи Рихтер шкаласи бўйича олти баллга тенг бўлган.



Табий офат маркази Тибетнинг жануби-шарқидида жойлашган Чжунба уезидида кузатилган. Мазкур ҳудуд денгиз сатҳидан 4,7 километр баландликда жойлашган бўлиб, 18 минг аҳоли истиқомат қилади.

Хозирча қурбон бўлганлар ва талафотлар ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Қуролли тўқнашув

Бир ҳафтадан буён Шри-Ланка шимолида жангарилар ва ҳукумат қўшинлари ўртасида қуролли тўқнашув бўлиб ўтмоқда, дея хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги. Маълумотларда келтирилишича, асосий жанглар Жаф-фин яриморлида кузатилмоқда. Ҳарбий кучлар айни пайтда пийда қўшинлари ва вертолётлар орқали босқинчилар маконига зарба бермоқда. Тўқнашулар чоғида 16 нафар жангари ва бир ҳарбий ҳалок бўлгани айтилмоқда.

Аэропортлар ёпиб қўйилди



Покистон ҳудудидаги барча аэропортлар ёпиб қўйилди, дея хабар тарқатди «Sky News».

Мамлакат оммавий ахборот воситаларида айтилишича, бундай йўл тутилишига Покистондаги аэропортларда терактлар содир этилиши тўғрисида номаълум шахс томонидан берилган хабар сабаб бўлган. Худди шундай маълумот Исломободдаги Беназир Бхутто номи аэропорт, «Pakistan International Airlines» авиакомпанияси ва маҳаллий тахририятларга ҳам етказилган. Шу боис ҳозирда Покистонга келиши керак бўлган барча авиарейслар бекор қилинган. Эслатиб ўтамиз, 20 сентябрь кuni Исломобод шаҳридаги «Marriott» меҳмонхонасида теракт амалга оширилган. Унда олтимишга яқин киши қурбон бўлган эди.

Битимлар имзоланди

Венесуэла Президенти Уго Чавес ва Хитой раҳбари Ху Цзиньтао энергетика ва иқтисодий соҳаларда бир қатор ҳамкорлик битимларига имзо чекишди.

Расмий манбаларда келтирилишича, 2012 йилдан бошлаб Венесуэла нефтининг Хитойга экспорт ҳажми кунига уч баробар ошади. Яъни, бу — Хитойга ҳар кuni миллион бар-

релгача «қора олтин» жўнатилади, дегани. Шунингдек, мазкур давлатлар ҳамкорликда нефтни қайта ишлайдиган завод қуриш борасидаги тақлифларни ҳам ўрганиб чиқмоқда.

Савия синови

Эстония фуқаролиққа ўтишни янги тартибни ишлаб чиқди. Унга кўра, фуқаролиққа қабул қилинмоқчи бўлганлардан энди ёзма ва оғзаки имтиҳон олиниши билан бирга, уларнинг мамлакатдаги қонун ва ҳуқуқий нормаларни билиш савиялари ҳам сиёноб қўрилади.



Эстония фуқаролик паспорти соҳиби бўлишни хоҳлаганлар, шунингдек, давлат тилини ҳам яхши билишлари эътиборга олинади. Фуқароликни истовчилар 45 дақиқа давомида 24 та саволдан иборат тест синовидан ўтадилар. Аввалги тартибга кўра эса, даввогарларга имтиҳон топшириш учун бир соат вақт бериларди ва бу муддат ичида улар ўнтадан ёзма ва оғзаки саволларга жавоб беришарди.

Сотиб олишга қарор қилди

«Air France-KLM» (Франция-Нидерландия) авиакомпанияси Италиянинг «Alitalia» миллий авиакомпанияси акцияларининг маълум қисмини сотиб олишга қарор қилди.

Бу ҳақда «Alitalia»-нинг собиқ директори, айни пайтда «Air France-KLM»-да маслаҳатчи вазифасида фаолият юритаётган Франческо Менгоцци маълум қилган. У оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида бу масала юзасидан Италия ҳукуматида расмий хат билан муносабат қилинганини ҳам билдирган.

Шу ўринда айтиш жоизки, «Alitalia» компанияси анчадан буён иқтисодий инқирозни бошдан кечирмоқда. Гарчи бир қатор йирик хорижий компаниялар уни сотиб олиш борасида тақлиф бераётган бўлса-да, ҳукумат вакиллари мазкур компаниянинг чет эллик сармоядорлар қўлига ўтиб кетишини хоҳлашмапти.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Қува туманидаги пахта қайта ишлаш корхонаси Фарғона вилоятидаги 8 та турдош завод орасида энг замонавий ҳисобланади. Бунинг боиси бор. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг пахта саноати корхоналарини тубдан реконструкция қилиш тўғрисидаги қарориди белгиланган дастур бўйича у янги асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ва машина-механизмлар билан жиҳозланди.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ АФЗАЛЛИГИ

— Дастурга кўра, корхонамиз 2010 йилда модернизация қилиниши керак эди, — дейди ҳиссасдорлик жамияти раиси Фуломқодир Бекмуродов. — Корхонанинг бир асрлик тўйи муносабати билан тубдан модернизация қилиш ишларини жорий йилга кўчириш тўғрисидаги тақлифимизни «Ўзпахтасаноат» уюшмаси

маблағлар ҳозиргача тўлиқ ўзлаштирилди. Бундан атиги уч ой аввал корхонада бўлган киши унинг бугунги қиёфаси, ишлаб чиқариш цехларини таъинмаслиги табиий. Чунки пасткам ишлаб чиқариш биноси ўрнида баҳаво, маҳобатли, бўёқлари ярак-

механизмлар қуввати икки баробар оширилди, пахта қуриладиган барабанлар сони эса иккига ортди. Авваллари соати-га 10 тонна пахта қуритилган бўлса, эндиликда бирийўла 20 тонна хом ашё кондиция ҳолатига келтирилиб, тозалаш цехига узатиляпти.

Модернизация



Ш. ҚОРАБОЕВ олган сурат.

қўллаб-қувватлади. Боз устига, модернизациялашга кетадиган 2,5 миллиард сўм маблағнинг манбаларини аниқлаб берди. Вилоят уюшмаси томонидан ажратилган 500 миллион сўм ва давлат газнасида берилган

лаб турган кошона пайдо бўлди. Шуниси эътиборлики, пахта ни омордан қабул қилиб олиш ва толани ишлаб чиқаришгача бўлган барча жараёнлар янгиланди. Жумладан, хом ашёни омордан сўриб оладиган

Пахта тозаловчилар хом ашёни чиқит ва чанглардан тозалаш цехини «корхонанинг сифат ўчоғи», дейишди. Чунки чангдан, хас-чўддан обдон тозаланган пахтадан юқори сифатли тола олинади. Шуниси эътиборга

олиб, тозалаш цехидаги барабанлар сони 16 тадан 37 тага етказилди. Натижада соатида 5 тонна ўрнига 10 тонна пахта тозаланиб, тола ажратиш цехига узатиляпти.

Корхонанинг барча цехлари саришта, энг муҳими, шовқинлардан ҳимояланган. «ЭСБ-10» ва «4ХК-1ХК» русумли механизмлар Маҳаллийлаштириш дастури бўйича Тошкентдаги «Ўзпахтамаш» бирлашмасида тайёрланган. Ана шу замонавий дастгоҳларнинг ўрнатилиши туфайли толаннинг тозалиги 80 фоиздан 95 фоизга ошди. Бу халқаро стандарт талабларига тўла мос келади.

Илгари чигитдаги момик қолдиғи 8-8,5 фоизни ташкил этарди. Хозир бу кўрсаткич 6,8-7,5 фоизга туширилди. Чунки момик ажратадиган «5-ЛП» русумли агрегатлар сони 8 тадан 12 тага кўпайтирилди. Бу қандай натижа беради? Йилига қўшимча 150-200 тонна момик тўқимачиларга етказиб берилди.

Пахта қайта ишлашнинг сўнгги жараёни — тойлаш ишлари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Бу жараён учун баландлиги 12 метрлик янги бино қурилди. 2 та юқори босимли «Б 82-37» аппаратининг бир қуллик қуввати эса 150 тоннадан 200 тоннага оширилди.

Ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилиш, замонавий дастгоҳларни ишга тушириш билан бир қаторда корхона ҳудуди ҳам ободонлаштирилди. Янги кўкчалар, майдонлар, гулзорлар, йўлаклар пайдо бўлди. Корхонанинг ҳудуди 1200 метрлик девор билан ўраб олинди.

Бир сўз билан айтганда, бир асрлик тарихга эга корхонанинг «иккинчи умри» бошланди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СИЗ ЁЛГИЗ ЭМАССИЗ

Бир оғиз ширин калом, озгина мадад киши кўнглини тоғдай юксалтирар экан. Бухоролик Шамсия Тошеванинг миннатдор нигоҳларига боқиб, бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Биринчи гуруҳ ногирониман, — дейди онахон. — Ногиронлик аравачасига эҳтиёжманд эдим. Ижтимоий таъминот идорасидагилар мушкулимни осон қилишди. Энди аравача кўмакда кўча-кўйга чиқа олаётиман. Маҳалладаги йиғини маросимларда қатнашиб, кўнглим ёзиляпти. Биздек муҳтожлардан саховатини аямаганларга минг раҳмат.

Жорий йил бошидан буён вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш бош бошқармаси томонидан 116 нафар киши ногиронлик аравачаси, 76 киши эшитиш мосламаси, қарийб 600 нафар эҳтиёжманд эса ҳаракат-таянч ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди.

— Бизда уруш ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар сони 868 нафарни ташкил этади, — дейди бошқарма бошлиғи Маҳмуд Зиядуллаев. — Улар давлатимизнинг доимий гамхўрлигини ҳис этиб яшамоқдалар. Бир мисол. Мамлакатимиз Президентининг «Ўзгалар парварлишига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, ҳисобга олинган 417 нафар яқка-ёлғиз, кўмакка муҳ-

тож кишига 40,5 миллион, ёлғиз яшаётган 811 пенсионерга 42,4 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Яна бир далил. Жорий йилнинг ўтган даврида қарийб минг нафар пенсионернинг сихат-ноҳатлари дам олиб, даволаниши учун бепул йўланмалар берилди.

Тизимда «Ёшлар йили» Давлат дастурини ижро этиш борасида амалга оширилаётган

ишлар ҳам диққатга молик. Хусусан, 16 ёшгача бўлган ногиронларнинг барчаси тибибий кўриқдан ўтказилди. Болаликдан ногиронларга ҳар ойда 579,2 миллион сўм миқдорда нафақа берилаяпти. Жорий йилда уларнинг 26 нафарига ногиронлик аравачаси, 20 нафарига эшитиш мосламаси, 55 нафар ўғил-қизга таянч-ҳаракат ва протез-ортопедия маҳсулотлари ажратилди. Вилоятдаги 11 минг 251 нафар вояга етмаган боллага мунтазам равишда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўлаб берилмоқда. Буларнинг бири аҳоли, хусусан, яқка-ёлғизлар, ногиронларни ижтимоий муҳофазат қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигидан далолатдир.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

332-қишлоқ врачлик пункти

Жалақудук туманидаги Ўрқилшоғида очилган ҚВП 2010 нафар аҳолининг туман марказига қатнашига чек қўйди. Мухими, бу ерда 50 ўрилли кундузи стационар мавжуд. Бу билан «Саломатлик — 2» лойиҳаси асосида барпо этилаётган сихатдоҳлар Андижон вилоятида яна биттага кўпайиб, 332 тага етди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

O'ZEKSPRO MARKAZ Tashkent O'zbekiston

MARKAZIY OSIYO KO'RGAZMA 2008 2-4 oktabr

SANOAT HAFTALIGI

miningworld, emplast ASIA, PromUpak, MCA

TOG'-KON ISHI, KIMYO, PLASTMASSA, REZINA, SANOAT QADOQLASH, MASHINASOZLIK

Tashkilotchi: UZBEKISTAN, Tel.: +(998 71) 113 01 80, Fax: +(998 71) 252 51 64, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

Ko'rgazmaning rasmiy ochilish marosimi: 2008 2 oktabr 11:00

Ko'rgazmaning ishlash tartibi: 2 oktabr 11:30 - 17:00, 3 oktabr 10:00 - 17:00, 4 oktabr 10:00 - 16:00

ufi Member

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ПРЕДЛАГАЕТ СО СИЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ, КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04

Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127 zakamsk-group@mail.ru

Хусусий корхона ибрати

Янгикўрғонлик тадбиркор Кутбиддин Сулаймонов ташкил этган хусусий корхона автомобиль йўллари қуриш билан шугулланади.

Иш бошлаганига эндигина тўққиз ой бўлганига қарамай, бу жамоа Истиклол, Навкент, Исковот, Наврўзобод қишлоқларидаги 7 километрлик йўлга шағал тўшаб асфальтлади. Айни чоғда йигирма кишилик жамоа ўттиз километрга яқин ички йўллارни таъмирламоқда.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

SONATA Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

Тел.: 250-11-11.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси институт бирлашган касаб ва уюшмаси кўмитасининг раиси, техника фанлари номзоди, доцент **Алим Ибрагимович ХАЛИҚУЛОВ**нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти жамоаси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси Имомқул Равшановга онаси **ЗУЛФИЯ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«САЛОМАТЛИК+» ИЖТИМОИЙ ПАКЕТИ

Хизматлар лицензияланган

ЖАМОА ҲАҚИДА ФАМХЎРЛИК ФАҚАТ **ДОКТОР -SERVIS** МИЛЛИЙ ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН!

пул ўтказиш йўли билан турли хил ижтимоий пакетларни тақлиф этади.

«ДОКТОР-СЕРВИС»дан «САЛОМАТЛИК+»

Бир йил давомида етакчи мутахассислар маслаҳатлари — **БЕПУЛ.**

Лабораторияда ва даволаш воситалари ёрдамида текширувлар ўтказиш, мутахассисларнинг уйда берадиган маслаҳатлари ва тез табиий ёрдам учун чегирмалар.

«ДОКТОР-СЕРВИС»дан «САЛОМАТЛИК+» ИЖТИМОИЙ ПАКЕТИНИ ХОДИМАЛРИНГИЗ УЧУН сотиб олсангиз, уларнинг соғлиқларига қафолат, эртанги кунларига ишонч тортиқ қилган бўласиз.

Тел.: 277-0000, 288-5000, 120-7731, факс: 273-0090. e-mail: doktor@sarkor.uz

Спорт • Sport • Спорт

Руслан — жаҳон чемпиони совриндори

Франциянинг От-Морьенн шаҳрида ёзги биатлон бўйича давом этаётган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Руслан Носиров хошхупанинг учинчи погонасига кўтарилди.

Иқтидорли спортчимиз дунёнинг энг кучли биатлончилари иштирок этаётган жаҳон чемпионатидаги бронза медалини тўрт километрга ўтказилган кросс-спринт баҳсида қўлга киритди.

Сақиз йилдан бунён ёзги биатлон билан шугулланаётган 21 ёшли Руслан мазкур спорт тури бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон биринчилиги голиби ҳисобланади. У бир неча мартаба Осиё ва Европа очик чемпионатлари, халқаро турнирларда ҳам совриндорлар қаторидан жой олган.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎзА мухбири.

Жиззахдан Таиландга

Жиззах Олимпия захиралари коллежида бокс бўйича ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтказилди.

14 та ваэн тоифасида кечган мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда Қозоғистон, Қирғизистондан келган 216 нафар ўсмир қатнашди.

Беллашуларда мезонлардан Бобур Айтбоев, Рўзбой Фармонов, Жасур Абдураҳмонов ва Хуршид Мелиевлар олтин медал олишга муваффақ бўлишди. Қозоғистонлик боксчиларнинг тўрт нафари ўз ваэн тоифаларида биринчи ўринни эгалладилар.

Халқаро спорт устаси, жаҳон кубоги соҳиби Лазиз Зокировнинг айтишича, мазкур халқаро турнир голиблари жорий йил охирида Таиландда бўладиган Осиё биринчилигида иштирок этишади.

Баҳридин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Курашимиз додруғи

Миллий спортимиз — кураш 2009 йили Вьетнамда бўлиб ўтадиган ёшқ иншоотлардаги III Осиё ўйинлари дастурига расман киритилганлиги ҳақида хабар берган эдик.



Кун кеча Кураш халқаро ассоциацияси матбуот хизматида яна бир хушxabар олдик. Унда маълум қилинишича, Вьетнам гиламларида эркаклар 6 та (60, 66, 73, 81, 90 килограммгача ва мутлак), аёллар эса 4 та (48, 52, 57 ва 63 килограммгача) ваэн тоифасида медаллар учун кураш олиб боради. Шу муносабат билан ёшқ иншоотларда ўтадиган Осиё ўйинлари ташкилий қўмитаси жорий

йилнинг декабрь ойида полвонлар, мураббийлар ва ҳақамлар учун ўқув-йиғин машғулоти ташкил этишни режалаштирмоқда.

Курашга оид яна бир янгилик. Яқинда Украинанинг Евпатория шаҳрида кураш бўйича II «Қора денгиз кубоги» халқаро турнири яқунланди. Унда совринли ўринлар учун баҳс, асосан, майдон эгалари ва Ўзбекистон курашчилари ўртасида кечди. Тўрт ваэн тоифасида ўтган мусобақалар якунида юртдошларимиздан Мамат Жумаев ва Исқандар Хайдаров, мезонлардан Эркин Исмаилов ва Юрий Стеценко голиб чиқшди.

Ярим финалчилар аниқланди

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида давом этаётган мини-футбол бўйича аънавий «Мустақиллик кубоги» турнирининг ярим финалида иштирок этадиган жамоалар номи маълум бўлди.



Эслатиб ўтамиз, биринчи йўлангани Тошкентнинг «Ардус» жамоаси қўлга киритган эди. Қолган уч йўланма «Чотқол» (Тошкент вилояти), «Учкудук» (Навоий) ва «Умид» (Наманган) жамоаларига насиб этди.

Ярим финалга чиқиш учун кечган баҳсларда, айниқса, «Умид» жамоаси иштирокидаги ўйинлар мухлиси мутахассисларда катта таассурот қолдирди. Улар ушбу босқичда миллий чемпионатимизнинг бир неча бор совриндори — «Курувчи» (Зарафшон) жамоасини ортда қолдирди.

«Олимпиада — 2018»га даъвогарлар

Франция Миллий Олимпия қўмитаси 2018 йилда бўлиб ўтадиган қишки Олимпиада ўйинларига мезонлик қилиш таклифи билан чикди, деб хабар беради «АР» ахборот агентлиги.

Мусобақаларни ўтказиш учун мамлакатнинг жануби-шарқий қисмидаги Гренобль, Ницца ва Аннеси шаҳарлари номзоди қўйилган. Қишки Олимпиада ўйинларини ўзида ўтказиш учун Франциядан ташқари, Мюнхен (Германия), Пхенчхан (Жанубий Корея), Женева (Швейцария), Тромсе (Норвегия), Рено Тахо (АҚШ, Невада штати) шаҳарлари ҳам даъвогарлик қўймоқда.

Маълумки, 2010 йилдаги қишки Олимпиада ўйинлари Канаданинг Ванкувер, 2014 йилгиси эса Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтади.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

РАТБ «Галлабанк»


томонидан 6 ойлик муддати билан «Замин» номли омонат турида маблағлар қабул қилинмоқда.

Омонатта маблағлар 2009 йил 1 январгача қабул қилиниб, уларга йиллик 18 фоиз миқдорда устама хар ойда ҳисоблаб туланади.

«Галлабанк» — хонадонингизга барака келтирсин!

Қушимча маълумотлар учун: (+99871) 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89. www.gallabank.com.

Омонатлар «Фуқароларнинг банкларданги омонатларини кафолатлаш жамғармаси» томонидан кафолатланади.



Юртбошимиз раҳнамолигида таълим соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг мантйиқий давоми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури таълим жараёнининг мукамаллашуви, ўқитувчи меҳнати кадр топишига олиб келди. Бугун биз чексиз фахр ва ифтихор ила айтишимиз мумкинки, ушбу дастурларнинг таълим даргоҳлари фаолиятига татбиқ этилганлиги тизимда ҳавас қилса аризулик муваффақиятларга эришимизимиз таъминлади. Бинобарин, умумтаълим мактабларимиз замонавий ўқув жиҳозлари, лаборатория ускуналари, компьютер техникаси

Бундан салкам қирқ йил муқаддам мактабда фаолият бошлагандим. У пайтларда ўқитувчининг бундай замонавий шарт-шароитлар асосида, имтиёз эътибордан баҳраманд ҳолда жўшиб-илҳомланиб ишлаши қайда эди, дейсиз. Пана-пасткам биноларда, биргина доксито афтодаҳол партаидан бўлак жиҳози бўлмаган синф хоналарида ёшларга сабоқ берадик. Интерфаол усулларда, янгица педагогик

услуга, компьютер, лингафон, жаҳон андозаларига мос дарслик ва ўқув қўлланмалари асосида дарс ўтишни ҳатто хаёл ҳам қилиб қўрмаганмиз. Машғулот жараёнида ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатиш, унинг маънавий дунёсини бойитишга уриниш, дарсда эркинлик муҳитини яратиш сингари ҳолатлар бизга мутлақо нотаниш эди. Бугун эса ҳаммаси бошқача.

ҚАДРУ ЭЪЗОЗ ТОПГАН КАСБ

билан таъминланмоқда. Шаҳару қишлоқларда бири-биридан кўркам, мухташам, замонавий мактаблар, коллеж ва лицейлар қад ростланмоқда. Бундай қошо-намонанд ўқув даргоҳларида ёшларга сабоқ бериш хар бир ўқитувчига гурур бағишлаши тайин.

Яқинда бизнинг мактабда ҳам 18 нафар ўқитувчига фалол меҳнат қўрсаткичлари ҳисобга олиниб, устама ҳақ тайинланди. Ўзим ишлаётган мактаб хусусида сўз очилган экан, бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Яъни, бизнинг таълим масканимизда педагог кадрлар қўнимсизлиги кўзга ташланмайди. Қолаверса, мактабимизда кўп йиллик таърибага эга малакали мутахассислар кўмағида ёш кадрларни тарбиялаш борасида ўзига хос анана мавжуд. Дейлик, олий ўқув юртини тамомлаган ёш мутахассис мактабда иш бошлаш учун келди. У фаолиятининг дастлабки даврида таърибаги педагог ходимлардан бирига бирикитрилиб, «Устоз-шогирд» аънаъиси асосида касб маҳорати сирларини обдон ўрганди. Натийжада, бевосита иш жараёнида билмаганларидан воқиф бўлиб, кўпни кўрган устозлар йўриғи ва кўмағи остида жамоага қўшилган

ҳодим келгусидаги фаолияти асосида касба муҳаббат, фидойилик, ваэминлик, камтаринлик хислатларини намоён эта боради.

Шаҳсан ўзим бутун педагогик жамоамиз сафига келиб қўшилётган бундай ёшларга бениҳоя ҳавас қиламан.

Биз Истиклол шарофати билан Юртбошимизнинг ёш авлод таълим-тарбиясига эътибор ва ғамхўрликларни, мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли ана шундай имкониятларга эга бўдик. Бинобарин, фидойи ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнати кадр эъзозга муносиб қўриладиган, эл-юрт хурматига сазовор обрў-эътибор соҳибларига юксак хурмат қўрсатиладиган, «УТОЗ» номи ва шарафи улуғландиган жамиятда яшаимиз. Бундан зиёд кадр ва эъзоз ҳеч бир замону муқомига бўлмаган. Зотан, эзгулики ҳаёт мазмуни деб билувчи, юрт ва фарзандлар тақдирини пок ниётлар, улғ мақсадларга боғлагувчи элгина бунга қодир!

Шоира МАЛИКОВА, Тошкент шаҳридаги 13-умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган ёшлар мураббийси.



Нуробод тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, майор Шавкат Арипов бугунги йигитларнинг ғайрат-шижоати, ақл-заковати, онаюртга, Ватанга чексиз муҳаббати ҳақида мароқ билан гапирди. Уларнинг аксарияти Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга интилаётганини мамнулик билан таъкидлади.

САДОҚАТ РАМЗИ

— Хар кун тўп-тўп йигитлар келишади, — дейди у. — Ҳаммасининг нияти аскар бўлиш, Дилма Ватанга хизмат қилиш, ота-онанинг, устозларини яқинларининг ишончини оқлашдек эзгу истак муҷассам. Қувончлики, йигитлар жиҳсонан бақувват, ақлан баркамол. Армиямизга эса уларнинг энг қулилари, чакқонлари, интеллектуал салоҳиятлари таллаб олинганлиги. Хизматга отланаётганларнинг кўпчилиги қисмини касб-хунар коллежларини битирган йигитлар ташкил этапти. Уларнинг бири техникдан, иккинчиси иктисодидандан, бошқаси тиббиётдан, хуллас, қайсидир соҳадан яқинлигига хабардор, хар бири биор касб эгаси.

— Мен Самарқанддаги автомобил ва йўллар касб-хунар коллежини транспортни ишлашти ва таъмирлаш йўналиши бўйича битирдим, — дейди йигитлардан бири. — Танланган иктисодим билан биргаликда хайдовчилик гувоҳномасига ҳам эга бўлдим. Уйлаيمانки, коллежда олган билим ва малака харбий хизматда ҳам эҳтиромли бўлиш, ҳарбий муштрларни бошқариш болаимиздаги орузим эди. Бугун ана шу орузимга етилиш арафасидан, туман мудофаа

Advertisement for the Republic of Jurchmas stock exchange branch. It includes information about auctions, trading hours, and contact details for the branch in Fergana region.

— Хар кун тўп-тўп йигитлар келишади, — дейди у. — Ҳаммасининг нияти аскар бўлиш, Дилма Ватанга хизмат қилиш, ота-онанинг, устозларини яқинларининг ишончини оқлашдек эзгу истак муҷассам. Қувончлики, йигитлар жиҳсонан бақувват, ақлан баркамол. Армиямизга эса уларнинг энг қулилари, чакқонлари, интеллектуал салоҳиятлари таллаб олинганлиги. Хизматга отланаётганларнинг кўпчилиги қисмини касб-хунар коллежларини битирган йигитлар ташкил этапти. Уларнинг бири техникдан, иккинчиси иктисодидандан, бошқаси тиббиётдан, хуллас, қайсидир соҳадан яқинлигига хабардор, хар бири биор касб эгаси.

— Мен Самарқанддаги автомобил ва йўллар касб-хунар коллежини транспортни ишлашти ва таъмирлаш йўналиши бўйича битирдим, — дейди йигитлардан бири. — Танланган иктисодим билан биргаликда хайдовчилик гувоҳномасига ҳам эга бўлдим. Уйлаيمانки, коллежда олган билим ва малака харбий хизматда ҳам эҳтиромли бўлиш, ҳарбий муштрларни бошқариш болаимиздаги орузим эди. Бугун ана шу орузимга етилиш арафасидан, туман мудофаа

қолишмайди. Ҳаммаси барвақт, бақувват, чакқон ва эгчил йигитлар. Фарздиннинг харбий хизматга кузатиш, хизмат муддатини ўтаб қайтганлари кутиб олиш хар бир оила, ота-она учун байрамга айланб қолди. Улар тақдир билан бутун маҳалла, мудофаа ишлари бўлимида кўришмоқда. Ишга жойлашиш, ўқини давом эттиришлари учун имкониятлар яратиб беришапти. Айниқса, уларнинг олий ўқув юртига киришлари учун имтиёзлар берилгани қувончи холдир.

Баҳорги чакирувда харбий хизмат муддатини тугатган нурободлик бир қанча ёшлар бугун турли олий ўқув юртири таллабалигига қабул қилинган. Улардан бири Нуробод шаҳарасида истиқомат қилувчи Беҳзод Хуррамовдир. У шундай дейди:

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фурур

Мустақиллик ҳаётимизни, дунёқарашимизни ўзгартириб юборди. Турмуш тарзимиз янгилиниб борапти. Мана, қишлоқ врачлик пунктимизни олиб кўрайлик. Бу шифо манзили тўртта қишлоқда яшовчи 1700 нафар аҳолига хизмат қўрсатмоқда.

Қишлоқда ҳаёт ўзгармоқда

Илгари ҳудуд аҳолиси шифокор кўмағига эҳтиёж сезгудек бўлса, узок йўл босиб, туман марказига борар, анча ташвиш чекарди. Эндиликда эса аҳоил буткул бошқача. Қишлоқ врачлик пунктимида беморларга малакали тиббий хизмат қўрсатиш учун барча қўлайликлар яратилган. Яқинда «Саломатлик — 2» дастурига мувофиқ, тиббий жиҳозлар, суви тозалаб берадиган замонавий ускуна ва бошқа зарур воситалар олдик. Умуман, истиқлол йилларида туманимиздаги 30 та ҚБПнинг 9 таси янгидан қурилди, қолганлари реконструкция қилинди. Буларнинг бири тиббий соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир. Мен шундай улғувро ва эзгу ишларга дахлдор бўлганимдан беҳад фахрланаман.

Мажаҳда ГАДОВА, Вобкент туманидаги Розмоқ қишлоқ врачлик пункти шифокори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ФУҚАРОЛАРНИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ БЮРОСИ

Россия Федерациясида қонуний асосда меҳнат қилиш истагиде бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширишини амалдаги тартиб-қоидаларига мувофиқ, шартнома асосида куйидаги мутахассисликлар бўйича ишга жойлашишда кўмаклашади:

- электр-вандчи; • электр-механик; • пайвандчи; • бўёқчи; • гишт терувчи; • сувоқчи; • кафель терувчи; • плиткачи; • тикувчи; • оддий ишчи; • юк ташувчи; • экскаваторчи; • бульдозерчи; • ҳайдовчи; • тоғ-кон ишчилари

ва бошқа барча мутахассисликлар.

Ойлик иш ҳақи — 650 000 сўмдан 1 100 000 сўмгача (12 000 — 20 000 рубль).

- Ишчилар: ✓ 3 маҳал иссиқ овқат; ✓ бепул ётоқхона; ✓ ишлаш ҳуқуқини берувчи руҳсатнома; ✓ тиббий сугурта билан таъминлаш имкониятлари мавжуд.

Мутахассислар куйидаги талаблар бўйича қабул қилинади:

- ёши — 20 дан 45 гача; • мутахассислик бўйича иш малакасига эга бўлиши; • рус тилини сўзлашув даражасида билиши керак.

Куйидаги ҳужжатлар йиғма жилдда тақдим этилиши лозим:

- паспорт асли ва 5 та нусхаси; • харбий гувоҳнома асли ва 2 та нусхаси; • мутахассислик ёки соҳа бўйича билимини тасдиқловчи сертификат (диплом) асли ва 2 та нусхаси; • меҳнат дафтарчаси асли ва барча белтлардан 2 та нусхаси; • 3х4 ҳажмдаги 6 та фотосурат (конвертда); • ОИТС (СПИД) марказидан маълумотнома; • ота-онаси ёки умр йўлдошининг розилик хати; • маҳалла қўмитасидан тавсиянома; • маҳаллий ички ишлар идораларидан фуқарони республика худудидан ташқарига чиқишга монелик (масалан, жиноий иш очилган ёки қидирув) ҳоллари йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 150-21-55, 150-21-56, 150-21-57.

Ҳужжат ва аризалар куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, «Коратош» кўчаси, 44-уй. Мўлжал: «Хадра» майдони, SAMSUNG ёзуви, «БРАВО» мебеллар дўкони орқасида.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, featuring a section for 'Народное слово' and contact information for subscriptions.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ', providing contact details for the newspaper's editorial office.

Advertisement for 'Газета таҳририят компьютер марказида', offering services for computer and printing.

Advertisement for 'МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри', listing various services and contact information.